

**СУДЛАРДА АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ – ҲУҚУҚИЙ
ДАВЛАТНИНГ КАФОЛАТИ**

Саҳаддинов Бобир Салаҳиддинович
ФИБ Чирчиқ туманлараро суди судьяси

Аннотация. Мазкур мақолада судлар фаолиятида адолат принципини таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий асослари, шунингдек, ҳуқуқий давлат томонидан берилган кафолатлар ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш механизмлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда суд тизимининг ўрни, адолатли судлов тамойиллари ҳамда уларни суд амалиётида таъминлаш масалалари ҳақида гап кетади. Муаллиф томонидан судлар фаолиятида адолатни таъминлашда ҳуқуқий давлатнинг роли ва бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни илмий жиҳатдан асосланган.

Калит сўзлар: суд, адолат, тарафлар, ҳуқуқ, мустақиллик, ҳуқуқий давлат, кафолат.

Суд – халқнинг қонунга, ҳуқуқий давлатга бўлган ишончини намоён этади. Ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлат қуришда суд ҳокимиятининг ўрни бекиёсдир. Судларда адолатни таъминлаш – бу нафақат ҳуқуқий тизимнинг асосий функцияси, балки давлатнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади. Адолатли судлов орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинади, жамиятда қонун устуворлиги таъминланади. Судлар фаолиятида адолат – қонун нормаларини тўғри ва ҳар томонлама холисона қўллаш орқали амалга оширилади. Адолатсизлик эса – халқнинг ана ўша ишончига нукта қўяди ва фуқаролар онгида судга, шунингдек, қонун устуворлигига нисбатан ишончсизлик падо бўлади. Ҳуқуқий демократик давлат ҳар қандай шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди,

ижтимоий мавқеидан қатъи назар, унинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди.

Адолат тушунчаси бутун инсоният тарихида ўта муҳим ижтимоий-ҳуқуқий битта категория сифатида шаклланган. Айтиш жоизки, адолат – бу ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун асосида ҳимоя қилиниши, барча учун тенг имкониятлар яратилишини англатади. “Адолат” (араб.одиллик, тўғрилиқ, ҳамма учун баробар бўлган ҳақиқатнинг талаб ва тамойилларига амал қилиниши) – инсониятнинг азалий орзуси, эзгу ғояси, маънавият, ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияларидан бири. Жамият ҳаётидаги ҳодисалар, тартиб-қоидаларнинг асл инсоний идеалларга, ҳақиқат мезонларига қанчалик мос эканини аниқлашда ҳамма замонларда ҳам асосий маънавий мезон бўлиб хизмат қилади. Жамиятнинг шахсга, шахснинг жамиятга ва бир шахснинг иккинчи шахсга муносабатида намоён бўладиган адолат тамойили ана шу муносабатларни баҳолашнинг ўзгармас мезонидир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи восита сифатида хизмат қилади. Воқелиқда кенг илдиз отган, лекин ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлаётган муносабатларни бартараф этишга даъват қилади. Одамларда келажакка ишонч туйғусини уйғотади ва кучайтиради. Адолат инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий мезони бўлгани учун доимо ижтимоий аҳамият касб этади.”¹

Судларда адолатни таъминлаш эса судьяларнинг холислиги, мустақиллиги ва қонунга қатъий риоя этиши орқали амалга оширилади. Тегишли қонунлар орқали суд жараёнларининг тўлиқ холисона ҳамда адолатли ўтиши таъминланади ва тартибга солинади. Масалан, суд мажлиси

¹ Судьялар одоби кодексига шарҳлар {Матн}: шарҳ – Тошкент: “Ижод Нашр” нашриёти. 2025. – 192 б.
SJIF: 5.051

жараёнларини олсак, унда қатнашаётган ҳар қандай иштирокчи (даъвогар, жавобгар, аризачи, учинчи шахс, манфаатдор шахс, гувоҳ, мутахассис, таржимон, тингловчи ва бошқалар) тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 130-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади.²

Судлар фаолиятида адолатни таъминлаш давлат томонидан бир қатор ҳуқуқий кафолатлар орқали амалга оширилади. Шу жумладан:

- Суд ҳокимиятининг мустақиллиги;
- Судьяларнинг дахлсизлиги;
- Суд фаолиятида очик ва ошкора суд жараёнлари;
- Тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- Шикоят қилиш ҳуқуқи – апелляция ва кассация тартибининг мавжудлиги.

Ушбу ҳуқуқий кафолатлар фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Таъкидлаш жоизки, адолат таъминланишида суд ҳокимияти мустақиллигининг аҳамияти ниҳоятда катта. Қонунларимизда ҳам мустаҳкамланиб қўйилганидек, судьялар фақат ва фақат қонунга бўйсунди ва уларнинг фаолиятига аралашинишга йўл қўйилмайди. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги адолатли судловнинг асосий шарти ҳисобланади. Агар суд ташқи таъсирлардан тўлиқ халос бўлмаса, адолатли қарор чиқариш имкони

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.01.05.2023. <https://lex.uz/docs/-6445145>.
SJIF: 5.051

ўз-ўзидан чекланади. Шу сабабли, давлат судьяларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашувни чеклашни таъминлаши лозим.

Адолатнинг қарама-қарши томонида бир иллат ётадики, у бор жойда адолат таъминланмайди. Ҳа, бу – коррупция.

“Коррупция – бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллат эканлигини судьяларимиз, ота-оналари ва уларнинг яқинлари чуқур англаб олишларини зарур деб, асосан адолатсизликни вужудга келтирувчи иллат – бу коррупция эканлиги ҳақида ҳам тушунчалар бердим. Шунинг учун ҳам яна қайтариш бўлса-да, айтмоқчиман, суд тизимида ишловчиларни ҳамма вақт қасамёдга содиқ қолишга, холисликни таъминлашга, адолат ва ҳақиқат йўлида қатъиятли бўлишга чақириш менинг асосий шиорим бўлди.

Қачонки, суд мустақил, судья холис бўлиб, ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳоли бўлсагина, қонун устуворлиги тўла таъминланади ва мамлакатда адолат ва ҳақиқат таркиб топади, албатта.³

Шу ўринда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, олий малака даражали судья Убайдулла Қурбонович Мингбоевнинг адолат ҳақида айтган жуда нозик гапини ёдга олиш айни муддао бўлади: “Судьялик кимнингдир, айниқса, қариндош-уруғларни, таниш-билишларни илтимосини бажариш учун эмас, балки, қонунийлик ва адолатни қарор топтириш учун берилган ўта маъсулиятли ва нозик ваколат ҳисобланади.⁴

Суд жараёнларида ҳам барча суд мажлиси иштирокчилари қонунда белгилаб қўйилган тенг ҳуқуқларга, шу жумладан, мажбуриятларга эга бўлади. Қолаверса, биринчи инстанция суд қарорларидан норози бўлган

³ Акбаров. Т. “Касби-корим – адолат бўлди”. Матн. Тошкент: Она дийор yog’dusi. 2023.436 бет.

⁴ Акбаров. Т. “Касби-корим – адолат бўлди”. Матн. Тошкент: Она дийор yog’dusi. 2023.436 бет.

шахсларда қарор устидан тегишли тартибда апелляция ва ёки кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги ҳам ҳуқуқий кафолатнинг яққол намунаси ҳисобланади.

Фуқаролик ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий мавқеидан, ташкилотларнинг эса ташкилий-ҳуқуқий шаклидан, жойлашган ери, шунингдек, бошқа ҳолатлардан қатъий назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.⁵

Сўнги вақтларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Судлар фаолиятида электрон судлов тизимини жорий қилиниши, суд жараёнларининг шаффофлигининг оширилиши, адвокатура фаолиятининг ривожланиши – буларнинг барчаси судлар фаолиятида адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашинишга йўл қўйилмайди.

Адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланади.

Адвокат, унинг шаъни, кадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади ва қонун билан муҳофаза қилинади.⁶

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, судларда адолатни таъминлаш – ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Давлат томонидан яратилган ҳуқуқий кафолатлар орқали суд ҳокимиятининг самарали фаолияти таъминланади. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқий жамиятда қонун

⁵ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. 01.04.2018. <https://lex.uz/acts/-3517337>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 01.05.2023. 142-модда. <https://lex.uz/docs/-6445145>.

устуворлигини мустаҳкамлайди ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли
ҳимоя қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Судьялар одоби кодексига шарҳлар {Матн}: шарҳ – Тошкент: “Ижод
Нашр” нашриёти. 2025. – 192 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.01.05.2023.
<https://lex.uz/docs/-6445145>.
3. Акбаров. Т. “Касби-корим – адолат бўлди”. Матн. Тошкент: Она
diyoy yog’dusi. 2023.436 бет.
4. Акбаров. Т. “Касби-корим – адолат бўлди”. Матн. Тошкент: Она
diyoy yog’dusi. 2023.436 бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси.
01.04.2018. <https://lex.uz/acts/-3517337>.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.01.05.2023. 142-
модда.<https://lex.uz/docs/-6445145>.